



**ЎЗКИМЁСАНОАТ**  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2013 йил 25-январ

## **«Қўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚК**



**Шамуратов Шухрат Торемуратович**

«Қўнғирот сода заводи» МЧЖ директори

Қабулхона: [+998949047999](tel:+998949047999)

Девонхона: [+998792292236](tel:+998792292236)

Ишонч телефони: [+998792244111](tel:+998792244111)

Электрон почта манзили: [office@kungradsoda.uz](mailto:office@kungradsoda.uz)

EXAT почта манзили: [qonirat.soda@exat.uz](mailto:qonirat.soda@exat.uz)

Manzil: [210100, O'zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Navoiy shahri, 5](#)









### **Маркетингга оид маълумот**

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари

Ишлаб чиқаришда зарур бўлган асосий хом-ашё

Асосий маҳаллий истеъмолчилар

Асосий чет эллик истеъмолчилар

Калцийланган сода, техник тузи

Техник мақсадлар учун кўл тузи, оҳактош

Ойна ишлаб чиқариш ва кимё саноати корхоналари, қурилиш корхоналари

Қирғизистон, Туркия

“Кўнғирот сода заводи” масъулияти чекланган жамияти — Ўзбекистон кимё саноатининг йирик корхоналаридан бири бўлиб, Марказий Осиёда кальцинацияланган сода ишлаб чиқарадиган ягона завод ҳисобланади.

Заводни барпо етиш учун асос бўлган ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995-йил 2-мартдаги “Кўнғирот сода заводини қуриш тўғрисида”ги 79-сон қарори ҳисобланади. Ушбу қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот туманида маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда халқ хўжалиги учун зарур бўлган кальцинацияланган сода ишлаб чиқарувчи йирик кимё корхонасини қуриш белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда “Ўзкимёсаноат” ДАКнинг таклифига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002-йил 14-майдаги 158-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан “Кўнғирот сода заводи қурилишини яқунлаш тўғрисида”ги топшириқлар белгиланди ва қурилиш ишлари жадал суръатларда давом еттирилди.

Завод қурилишининг асосий мақсади — маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва халқ хўжалиги тармоқларининг содага бўлган еҳтиёжини тўлиқ қондиришдан иборатдир. Сода ( $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ) — кимё саноатининг енг муҳим маҳсулотларидан бири бўлиб, у йенгил саноат, металлургия, селлюлоза-қоғоз, шиша, силикагел, ювиш воситалари ишлаб чиқариш, шунингдек иссиқлик электр стансиялари, қозонхоналар ва сув тозалаш тизимларида кенг қўлланилади.

Лойиҳа бўйича йиллик қуввати 100 минг тонна ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхона 2006-йили ишга туширилган.

2012-йил 16-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1853-сонли “Кўнғирот сода заводи” корхонасида сода ишлаб чиқаришни кенгайтириш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида заводнинг ишлаб чиқариш қувватини 200 минг тоннага ошириш, замонавий технологияларни жорий етиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2016-йилда лойиҳа тўлиқ яқунланди. Натижада “Кўнғирот сода заводи”нинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 200 минг тонна калцинацияланган сода га йетказилди. Ишлаб чиқариш жараёнлари Хонейвелл ва Сиенс компанияларининг замонавий автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ёрдамида бошқарилади. Заводда калцинацияланган сода ишлаб чиқаришда анъанавий Солвай (аммиакли) усули қўлланилади.

Технологиянинг ўзига хос жиҳати, бунда оҳактош ( $\text{CaCO}_3$ )ни кокс билан емас, балки табиий газ ёрдамида ёндириш орқали таркибида 29 фоиз  $\text{CO}_2$  бўлган ўчоқ гази олинади. Бу технология энергия сарфини камайтириш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бугунги кунда “Кўнғирот сода заводи” МЧЖ:

Ўзбекистон ички бозорини кимёвий маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда;

- экспорт ҳажмини босқичма-босқич оширмоқда;
- маҳаллий хом ашёлардан самарали фойдаланмоқда
- ишлаб чиқариш жараёнларини экологик талабларга мос равишда такомиллаштирмоқда.

Корхона фаолияти натижасида мамлакат кимё саноати тармоғининг барқарор ривожланишига, янги иш ўринлари яратилишига ва ҳудуд иқтисодиётининг юксалишига сезиларли ҳисса қўшмоқда.

**source:**

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/company/enterprise/manufacture/kungrad-soda-zavod>